

Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат дастури бажарилиши юзасидан

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

23.12.2025 йил ҳолатига

T/p	Вазифалар	Амалий чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаш тириш манбалари	Масъул ижрочилар вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган <u>АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ</u>						
1.	Автомобиль йўлларида транспорт воситаларини эркин ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш. Фармоннинг 10-илова 20-банди (87-мақсад)	Республика бўйича барча тартибга солинган чорраҳаларга интеллектуал транспорт тизимларини ўрнатиш ва ягона рақамли бошқарув тизими жорий этиш.	2025 йил апрель ойидан бошлаб йил давомида	Манфаатдор вазирлик ва идоралар маблағлари	Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги	Тўлиқ бажарилди. 2025 йил 20 мартда Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан “Telecom soft” МЧЖнинг ҳамкорликда Режа жадвал тасдиқланиб, жорий йил давомида республикадаги чорраҳаларга 1 123 та интеллектуал транспорт тизимларини ўрнатиш ва 1 125 та фото ва видео қайд этиш воситаларини ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар қуйидаги ишлар амалга оширилди: 361 та чорраҳаларга янги замонавий светофорлар ўрнатилди; <i>Маълумот учун: Тошкент ш 85 та, Самарқанд вилоятида 128 та, Жиззах вилоятида 20 та, Андижон вилоятида 61 та, Қашқадарё вилоятида 26 та, Сирдарё вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 10 та, Бухоро вилоятида 18 та.Тошкент вилоятида 7 та.</i> Шундан, 283 та светофорларга бошқарилувчи контроллерлар ўрнатилиб, интеллектуал транспорт тизимлари ишга туширилди; <i>Маълумот учун: Тошкент шаҳрида 73 та, Тошкент вилоятида 7 та, Самарқанд вилоятида 62 та, Жиззах вилоятида 20 та, Андижон вилоятида 61 та, Қашқадарё вилоятида 26 та, Сирдарё вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 10 та, Бухоро вилоятида 18 та.</i>

						251 та чорраҳага қоидабузарликларни аниқловчи камералар ўрнатилди; <i>Маълумот учун: Тошкент ш 51 та, Тошкент вил 14 та Самарқанд 55 та, Жиззах 20 та, Андижон 61 та, Қашқадарё 26 та, Бухоро 13 та, Наманган 11 та;</i> 35 та чорраҳадаги камералар синов режимига ўтказилди; <i>Маълумот учун: Тошкент ш 4 та, Тошкент вил 7 та, Бухоро 2 та, Самарқанд 12 та, Андижон 1 та, Қашқадарё 6 та, Наманган 3 та</i> 199 та чорраҳадаги камералар эса тўлиқ ишга туширилди; <i>Маълумот учун: Тошкент ш 30 та, Тошкент вил 7 та Самарқанд 43 та, Жиззах 20 та Андижон 60 та, Бухоро 11, Қашқадарёда 20 та, Наманганда 8 та.</i> Ҳозирда 373 та чорраҳада қурилиш ишлари олиб борилмоқда; <i>Маълумот учун: Тошкент ш 114 та, Фарғона 17 та, Бухоро 37 та, Хоразм 46 та, Навоий 25 та, Қашқадарёда 12 та, Андижон 15 та, Самарқанд 25 та, Сирдарё 23 та, Наманганда 20 та, Жиззах 7 та Қорақалпоғистон Республикасида 32 та.</i>
2.	Тергов фаолияти устидан назоратни электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи рақамлаштирилган тизим яратиш. Фармоннинг 10-илова 21-банди (87-мақсад)	Тергов фаолияти устидан назоратни тўлиқ электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг “Е-Tergov” модулини ишлаб чиқиш ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш.	2025 йил ноябрь	Бюджет маблағлари	Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Тўлиқ Бажарилди. Мазкур банд ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–204-сон Фармони қабул қилиниб, унда Тергов фаолияти устидан назоратни электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи рақамлаштирилган тизим яратиш белгиланди. Мазкур Фармон асосида “Е-Tergov” ахборот тизими Бош прокуратуранинг дастурчилари томонидан ишлаб чиқилиб, тергов фаолиятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, Бош прокуратуранинг серверларида жойлаштирилишига келишилган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

3.	Судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш. Фармоннинг 12-илова 22-банди (84-мақсад)		2025 йилнинг IV чорак			ТЎЛИҚ БАЖАРИЛДИ. Бу орқали шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш процессуал ҳаракатини масофадан ўтказиш имконияти яратилиб, бугунги кунга қадар мазкур тизим орқали 19 694 та илтимосномалар юборилишига эришилди. <i>Тошкент шаҳрида – 4 513 та, Тошкент вилоятида – 2 719 та, Самарқандда – 2 363 та, Фарғонада – 1 551 та, Наманганда – 1 410 та, Андижонда – 1 392 та, Сурхондарёда – 969 та, Қашқадарёда – 932 та, Бухорода – 783 та, Хоразмда – 592 та, Навоийда – 582 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 521 та, Сирдарёда – 505 та, Жиззахда – 439 та, Тергов департаментида – 318 та, Транспортда – 105 та.</i> Шунингдек, “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ахборот тизими орқали 29 та ташкилотлардан 98 турдаги сўровномаларга онлайн жавоб олиш имконияти мавжуд. Ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг “Е-экспертиза” ахборот тизими билан ҳам интеграция қилинган. Жорий йилнинг 11 ойи 20 кунда мазкур тизим орқали жами 5 657 та экспертизалар онлайн тайинланиб, хулосалар олинишига эришилди. <i>Тошкент шаҳрида – 1 231 та, Қашқадарёда – 888 та, Тошкент вилоятида – 553 та, Самарқандда – 528 та, Андижонда – 464 та, Навоийда – 347 та, Фарғонада – 282 та, Сирдарёда – 233 та, Жиззахда – 220 та, Тергов</i>
----	---	--	-----------------------	--	--	--

						департаментида – 211 та, Сурхондарёда – 192 та, Бухорода – 165 та, Хоразмда – 127 та, Наманганда – 97 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 79 та, Транспортда – 40 та. Бундан ташқари, жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ–1, 111–сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 1 июндан “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ахборот тизимида “Тақдимнома” платформаси ишга туширилди. Мазкур платформа орқали жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида терговчи ва суриштирувчиларнинг тақдимномасини корхона муассасага электрон тарзда юбориш ҳамда натижасини назорат қилиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилди. Жорий йилнинг июнь ойидан бугунги кунга қадар тизим орқали жами 6 289 та тақдимномалар онлайн юборилиши таъминланди. <i>Самарқандда – 1 088 та, Тошкент шаҳрида – 843 та, Андижонда – 735 та, Қашқадарёда – 598 та, Наманганда – 576 та, Тошкент вилоятида – 522 та, Фарғонада – 407 та, Бухорода – 303 та, Хоразмда – 249 та, Сурхондарёда – 241 та, Сирдарёда – 236 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 214 та, Жиззахда – 141 та, Транспортда – 54 та, Навоийда – 79 та, Тергов департаментида – 3 та.</i>
4.	Аҳоли пунктларида икки ва ундан ортиқ полосали тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларини		2025 йилнинг IV чорак		Ички ишлар вазирлиги	ТЎЛИҚ БАЖАРИЛДИ. Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларидаги кўчалар, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ушбу туман (шаҳар)лар марказлари чегараси ичидан ўтган

	светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш. Фармоннинг 12-илова 23-банди (84-мақсад)					худудий эксплуатация-монтаж бўлинмалари хизмат кўрсатиш худудига қарашли 2 659 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари мавжуд. Шундан, 2024 йилда 978 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари (чорраҳалардаги пиёдалар ўтиш жойлари билан) светофор қурилмалари билан жиҳозланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларига пиёдалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 805-сон қарори талаблари асосида шаҳар ва туманлар марказидаги 320 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” (Қаварик) ташкил қилиш белгиланган,шундан, 619 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида “Баланд пиёдалар ўтиш жойлари” ташкил қилинди. Шаҳар ва туманлар марказидаги қолган 1 361 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларининг 20 фоизи, яъни 272 таси 2025 йил давомида светофор қурилмалари билан жиҳозланиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 272 та (чорраҳалардаги пиёдалар ўтиш жойлари билан) тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари светофор қурилмалари билан жиҳозланди: <i>Тошкент шаҳар-40 та, Тошкент вилояти-20 та, Самарқанд-11 та, Сирдарё-10 та, Жиззах-14 та, Навойи-20 та, Фарғона-8 та, Андижон-11 та, Наманган-30 та, Сурхондарё-20 та, Қашқадарё-30 та, Хоразм-40 та, Қарақолпоғистон Респубдикаси-8 та.</i>
--	---	--	--	--	--	---

5.	Жиддий оқибатлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини камида 50 фоизга камайтиришга эришиш. Фармоннинг 12-илова 27-банди (87-мақсад)		2025 йилнинг IV чорак		Ички ишлар вазирлиги	Тўлиқ бажарилди. Йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 25 286 дона янги йўл белгилари ўрнатилди, 12 046 дона ярқисиз ҳолга келганлари янгиланди, 691 дона йўл кўрсаткичлари ўрнатилди, 315 та светофор объектлари қурилди, 241 таси реконструкция қилинди, 3 млн 940 минг м² йўл ётиқ чизиклари чизилди; Қарама-қарши йўналишга чиқиш билан боғлиқ ЙТХларни олдини олиш мақсадида 208 минг км муҳофаза тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар билан боғлиқ ЙТХларни олдини олиш мақсадида 1 920 та мактаблар олдида тезликни чекловчи йўл белгилари, 77 та тугмачали пиёдалар светофорлар (<i>ЭМБ томонидан</i>) ўрнатилди, 3 242 тадан ортиқ пиёдалар ўтиш жойларида йўл чизиклари янгиланди. Республика бўйича 91 та авария ўчоқлари аниқланиб, улардан 85 таси бартараф этилди. Авария ўчоқларининг юзага келишига асосан пиёдалар ўтиш жойлари ва хавфли бурилишлар ёритилмаганлиги ҳамда йўлларда муҳофаза тўсиқлар ўрнатилмаганлиги сабаб бўлган. Болаларда йўл ҳаракати қоидалари кўникмаларини шакллантириш мақсадида: 2 491 та мактабда йўл ҳаракати қоидалари синфхоналари, 1 493 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш майдончалари ташкил этилди. Қўпол қоидабузарлар билан курашишга қаратилган махсус рейдларда жами 6 млн 879 минг (<i>шундан 1 млн 905 минг қўпол</i>) қоидабузарликлар аниқланди, 518 956 минг транспорт воситалари жарима майдонига жойлаштирилди.
----	---	--	-----------------------	--	----------------------	---

						Жумладан, 34 174 та автомобилни маст ҳолда бошқариш, 11 526 та қарама-қарши ҳаракатланиш, 95 328 та светофор ишорасига бўйсунмаслик, 519 139 та қоидабузар пиёдалар, 762 935 та ҳужжатларсиз бошқариш ҳолатлари аниқланди. Йигирма ва ундан ортиқ маротаба қоидабузарлик содир этган 5 215 нафар ҳайдовчиларнинг яшаш манзилларида маҳалла фаоллари иштирокида тарғибот муҳокамалари ўтказилди. Тошкент шаҳридаги тирбандликни олдини олиш мақсадида, 115 та чорраҳаларда светофорларнинг ёниш вақти транспорт оқимидан келиб чиқиб оптималлаштирилди, сутканинг тигиз вақтлари юк автомобиллари ҳаракати чекланди, пойтахтнинг 20 та муаммоли чорраҳалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди, 2 та ер ости ва ер усти пиёдалар ўтиш жойлари куриб битказилди. 2025 йилнинг 12 ойида республикадаги жиддий оқибатлар билан боғлиқ ҳодисалари (<i>ҳар 10 минг транспорт воситасига нисбатан ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари</i>) сони 7,3 фоизга ёки (<i>3,7 тадан 3,4 тага</i>) камайишига эришилди.
--	--	--	--	--	--	---

Ички ишлар вазирлиги